

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатишга деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослаштирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилмаган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобнида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар маъқур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солуви қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Маъқур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7. Яқуний Қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 22 йилга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 \_\_\_\_\_ йилга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.



7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг маъзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусxada расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8. Томонларнинг маъзиллари ва банк реквизитлари:

<p style="text-align: center;"><b>ОПЕРАТОР:</b> “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали</p> <p>Маъзил: Урганч ш., Аль-Беруний к., 1 - уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000204074838423 СТИР: 203366731 МФО: 00401 АТБ “Алоқабанк” Тел: 1155 E-mail: _____</p>	<p style="text-align: center;"><b>АБОНЕНТ:</b> Хонка туман ирригация булими</p> <p>Маъзил: Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Хонка тумани, Мадир кишлоғи, Янгиҳаёт аҳоли пункти, уй. 1 Банк маълумотлари: х/р: 23402000300100001010 СТИР: 305084121 <b>х/р 1000 22860 332237 042402170001</b> МФО: 00014 Банк ном: Г.ТАШКЕНТ, РКҚ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ ИНН: 201122919 Тел: 943994014 E-mail: xonq@mail.uz</p>
<p>Оператор номидан:</p> <p> _____ Самалдаров Ахмаджон Султанович /имзо/</p>	<p>Абонент номидан:</p> <p> _____ /имзо/ м.ў.</p>